

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2018
ИЮНЬ

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

АДАБИЁТШУНОСЛИК

З.ПАРДАЕВА	
Роман жанрининг культурологик қиёфаси	63
С.ҚУРОНОВ	
Исажон Султон романларида олам ва одам концепцияси.....	66
Ф.ДАДАБАЕВА	
Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асарида портрет ва сифатлашлар таржимаси.....	69
М.ЖУРАЕВА	
Кундош образининг замонавий талқини.....	72

ТИЛШУНОСЛИК

А.МАМАЖОНОВ, Д.ТЕШАБОЕВ	
Қўшма гаплар семантикасига доир баъзи мулоҳазалар	76
Д.ТУРДАЛИЕВА	
Лисоний имконият ва бадий санъат	79
Н.АБДУЛЛАЕВА	
Синтактик градуонимия.....	84

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

А.ХОЖИМИРЗАЕВ	
Мактабгача таълим муассасаларида асосий гимнастика воситаларининг ўрни	87
Р.ДЖАЛИЛОВА	
Ўрта Осиё меъморчилигида наққошлик санъатининг тарихий ва замонавий моҳияти.....	92

ИЛМИЙ АХБОРОТ

К.ҚОДИРОВ, Т.БАКИРОВ, Ҳ.ҚОДИРОВА	
Математик фанларни ўқитишда улар орасидаги узвийликни очиб бериш ҳамда ўзаро алоқадорликдан фойдаланиш.....	95
Л.РАХИМОВА	
Ядросида Бессель функцияси қатнашган ўрамсиз операторлар ва уларнинг хоссалари	99
М.РАХИМОВ, Ф.ТУХТАСИНОВ	
Жадал технология шароитида четдан келтирилган сигирларнинг сут маҳсулдорлигига боқув технологиясининг таъсири	101
А.ЭРМАТОВ	
Корхона захира (резерв) капиталининг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш	103
Л.БЕГИМҚУЛОВА	
Шоҳруҳ Мирзонинг давлатчилик фаолиятига оид айрим мулоҳазалар.....	106
М. УСМАНОВА	
Нутқ фаолиятининг хусусиятлари ва ривожланиши	108
Ҳ.ЖУРАЕВ, И.АБДУРАҲИМОВА	
Бобур лирикасида ифоданинг маъно қатламлари	111
Н.ТОШЕВА	
Халқ топишмоқлари эпиграф сифатида.....	113
Г.РОЗИҚОВА	
Ноодатий боғланиш – услубий восита сифатида.....	116
З.АКБАРОВА, Ш.АНВАРҲУЖАЕВА	
Нутқ маданияти масалаларининг ўрганилишига доир.....	118
Ш.АСКАРОВА	
Немис тили дарсларида лексикани ўргатиш методлари.....	120
М. КАРИМОВА, И.МЕРГАНОВ	
Ўрта асрлардаги педагогик фикрларнинг маънавий моҳияти.....	123

АДАБИЙ ТАҚВИМ

Илмга бахшида умр.....	126
-------------------------------	-----

БОБУР ЛИРИКАСИДА ИФОДАНИНГ МАЪНО ҚАТЛАМЛАРИ

Ҳ.Жўраев, И.Абдурахимова

Аннотация*Мақолада Бобур шеърятининг фалсафий хусусиятлари ва маъноларидаги хилма-хиллик ҳақида сўз боради.***Аннотация***В статье затрагиваются философские особенности и смысловое разнообразие поэзии Бобура.***Annotation***In this article philosophical peculiarities and variousity of meanings of Bobur poems are considered.*

Таянч сўз ва иборалар: лирик қаҳрамон, фалсафий жиҳатлар, дунёқараш, кечинма, бадий ифода, ғояларнинг хилма-хиллиги, образлилик, юрт соғинчи, айрилиқ, идеал тушунчалар, тасаввуфий талқин.

Ключевые слова и выражения: лирический герой, философские особенности, мировоззрение, переживания, художественное изображение, идейное разнообразие, образность, тоска по родине, разлука, понятие об идеалах, суфийская интерпретация.

Keywords and expressions: lyric hero, philosophical features, outlook, emotions, literary expression, variousity of ideas, imagery, homesickness, parting, ideal conception, sophistic interpretation.

Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ижодида ғурбат ва айрилиқ мотивлари фалсафий-эстетик ҳамда бадий жиҳатдан мукамал ифодаланган намуналар кўплай учрайди. Жумладан, куйидаги рубоийсида ғариблик туйғуси юксак бадий ифодасини топган:

Мунглуғ бошим остидаги тошимниму дей?

Тош устидаги ғариб бошимниму дей?

Ҳасрат суйидин кўзимда ёшимниму дей?

Ўлмакдин саъброқ маошимниму дей?

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Навоий ижодидаги рубоийнинг мумтоз намунаси бўлган ушбу шеърга пайравлик қилиб, куйидагиларни ёзади:

Ғурбат туғи ёпқан руҳи зардимниму дей?

Ё ҳажр чиқарғон оҳи сардимниму дей?

Ҳолинг не дурур, билурмисен дардимни,

Ҳолинг сўрайму, йўқса дардимниму дей? [1]

Ғурбат мавзусидаги ғойибона мушоира икки улуғ сўз санъаткори ижодида яна давом этади. Ҳижрон азобларидан қийнаётган қалб, айрилиқ ғамидан ҳасратга тўлган кўнгил нолаларини Навоий шундай лирик ифодалайди:

Андин бериким, қошимда ёрим йўқтур,

Ҳижронда жуз нолаи зорим йўқтур.

Дашт узра қуюн кеби қарорим йўқтур,

Саргашталигимда ихтиёрим йўқтур!

Мутафаккир шоирнинг таъсирчан мисралари тақдир тақозоси билан она юртдан, ёру диёридан абадий айрилган Бобурга кучли таъсир этиб, у ҳам ана шу оҳанг, худди шу мавзу ва шаклда куйидаги ўтли мисраларини яратади:

Кўлдан бериким ёру диёрим йўқтур,

Бир лаҳзаву бир нафас қарорим йўқтур.

Келдим бу сори ўз ихтиёрим бирла,

Лекин боруримда ихтиёрим йўқтур. [2]

Бобур гарчи Навоийнинг ғурбат ва айрилиқ ҳақидаги қарашларини анъанавий давом эттираётгандек туюлса-да, юқоридаги ҳар икки рубоий ўртасида муайян фарқлар бор. Алишер Навоий рубоийсида мумтоз шеърятдаги анъаналарга мувофиқ мажозий-тасаввуфий маъно кўзга ташланиб туради. Унда ошиқ ва маъшуқ ўртасидаги муносабатлар, жонни ўртовчи ҳижрон укубатлари ҳақида сўз борса, Бобур рубоийсида аниқ тарихий шахс, яъни Бобурнинг ўзи лирик қаҳрамон сифатида майдонга чиқади. Шунингдек, конкрет тарихий шарт-шароит – муаллифнинг ҳақиқатан ҳам она юртидан жуда олисларда абадий қолиб кетишга мажбурлиги шеърнинг таъсир кучини янада орттиради.

Шоир ижодининг, хусусан, рубоийларининг аксарият қисми ғурбат ва ҳижрон мавзусида бўлиб, уларда лирик қаҳрамон – ошиқнинг айрилиқдаги ўтли нолалари, изтиробга тўла кечинмалари баён этилган. Аммо ғурбат ҳақида сўз юритар экан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур мумтоз шеърятдаги мавжуд анъаналар қобиғида қолиб кетмайди:

Ҳажринг ғамидин оқибат ўлгум, қаро кўз,

Юз ғуссаву андуҳ ила боргум, қаро кўз.

Васлинг била қилмадинг иложин, Бобур,

Мушкулки, фироқингда тирилгум, қаро кўз.

Шунга қарамай, Бобурнинг ғурбат ва ҳижрон мотивидаги рубоийларининг ҳаммасини ҳам анъанавий ошиқ ва маъшуқ ўртасидаги муносабатлар асосида талқин қилиш ўринли эмас. Чунки шоир ҳаётидаги мағлубиятлар, аламли ва қайғули ҳолат-ҳодисалар, ватандан жудолик кечинмалари ҳам асосан ҳижрондан

Ҳ.Жўраев – ФарДУ, филология фанлари доктори.

И.Абдурахимова – ФарДУ филология факультети 2-курс талабаси.

шикоят тарзида лирик баён этилган.

Дарҳақиқат, Бобур ижодини ғурбат мотивларисиз, ғариблик нолаларисиз тасаввур қилиш қийин. Кўпчилик тадқиқотчилар буни Афғонистон ва Ҳиндистондаги ҳаёти билан боғлайдилар. Фикримизча, бу унчалик тўғри эмас. Бобурнинг бу мавзудаги шеърлари ҳали ватандалигидаёқ бошланган. Бобур тушунчасида, киндик қони тўкилган, кейинчалик ўзи ҳукмдор бўлган Андижоннинг қўлдан кетиши (1498) ватанжудоликнинг, яъни “жалои ватан бўлмақ”нинг бошланиши бўлган. Масалан, “Бобурнома”дан ҳам тафсилотлари билан ўрин олган қуйидаги рубоийси у Тошкентга – тоғасининг ҳузурига келганида яратилган (1501 йил):

*Ёд этмас эмиш кишини меҳнатда киши,
Шод этмас эмиш кўнгулни ғурбатта киши.
Кўнгулум бу ғарибликта шод ўлмади ҳеч
Ғурбатта севунмас эмиш, албатта, киши.*

[3]

Шоир она ватанидан буткул узилганидан сўнг бу мотивлар янада конкрет тус олади:

*Қовун бирла узумнинг ҳажрида кўнгулда ғам
ҳар су,*

*Оқар сувнинг фироқидин кўзумдин ҳар дам
оқар сув.*

Ёки:

*Толе йўқи жонимға балолиғ бўлди,
Ҳар ишники айладим, хатолиғ бўлди.
Ўз ерни кўюб Ҳинд сори юзландим,
Ё раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.*

Ҳасбиҳоллик хусусиятининг ўта бўртиб туриши, лирик қаҳрамон ва муаллиф шахсиятининг деярли бирлашиб кетиши Бобур услубига хос асосий белгилардан биридир. Биз баъзан унинг лирик қаҳрамони тимсолида шоирнинг ўзини кўриб тургандай бўламиз.

Бобур шеърлятида лирик қаҳрамон жудолик аламларини зўр ҳасрат билан қуйлайди. Баъзи шеърларни мутолаа қилган ўқувчи кўз ўнгида суюкли ёридан жудо бўлган, чексиз ғуссага ботган ошиқ образи жонланади. Айрим рубоийларда эса она юридан олисларда қолган, қайтиш йўллари буткул беркилган ғариб

бир зотнинг фарёдлари янграётгандек бўлади. Юқорида айтилганидек, шоир лирикасидаги ҳижрон оҳанглари ҳам икки тоифага ажратиш мумкин. Биринчиси асл моҳиятдан, Ҳақдан жудо бўлган, унинг васлидан умидвор банда муножоти, иккинчиси эса воқеликдаги реал севгилисидан, она юридан айрилиб, ғариб ҳолга тушган, чорасизликдан нола қилаётган инсон ҳолатининг лирик ифодаси.

Демак, айрилиқ ва ғариблик мавзуси Бобур ижодида икки хил кўринишга эга. Бири севган ёридан жудо бўлиб, айрилиқда бўлмақ маъносиди. Иккинчи маъноси эса Ҳақдан жудо бўлиш, аслиятдан айрилиш – бу, ғарибликнинг тасаввуфий кўриниши. Ғурбат ва ғарибликнинг ушбу кўриниши ҳам шоир лирик меросида кенг ишланган. Демак, Бобурнинг лирик қаҳрамони айрилиқ ҳамда ғариблиқдан нола қилар экан, ана шу тасаввуфий маънони ҳам назардан қочирмаслик керак.

Тасаввуфий талқинларга кўра, Ҳақ ошиғи дард билан яшайди. Бедардлик унинг учун бегона. Тасаввуф аҳли дард чекишни Ҳаққа яқинлаштирадиган восита деб ҳисоблайди. На тоат, на ибодат Ҳақ йўлида чекиладиган ранжу маломат, дарду аламга тенглаша олмайди. Бу йўлда ҳамдард ва ҳамроҳ бўлмайди. Ошиқ кўнгил изтиробларини маъшуқ – илоҳий ёр билан баҳам кўриши мумкин, холос! Шунинг учун ҳам Бобурнинг лирик қаҳрамони қуйидаги хулосага келади:

*Сен гулсену мен ҳақир булбулдурмен,
Сен шуъласен, ул шуълага мен қулдурмен.
Нисбат йўқтур, деб ижтиноб айламаким,
Шаҳмен элга, вале сенга қулдурмен!*

Заҳириддин Муҳаммад Бобур лирикасида шунга ўхшаш илоҳий ёр васлига интилиш, ҳижрондан шикаят, айрилиқ азобининг бешафқатлиги, ниҳоят, висолдан умидворлик оҳанглари билан тўла мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Бу эса шавкатли шоҳ ва ғариб инсон, улўғ шоир ва дардманд ошиқ бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобур лирик қаҳрамони руҳиятининг сержилва қирраларидир. Шу маънода унинг лирик меросида тараннум этилган мавзуларнинг маъно қатламларига теранроқ нигоҳ ташлашимизга, талқинларда холис ва ҳар томонлама муносабат билдиришимизга ундайди.

Адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 3-жилд.– Т., 1990
2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Девон. – Т., 1993
3. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. “Бобурнома”. – Т., 1991